

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 17-dekabr, chorshanba № 101 (15843)

## Ilm sarhadlarida

Республикамиз олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва саноат корхоналарида фаолият юритаётган ёшларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб этиш, илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшишлари учун уларга шароит яратиш, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш мақсадида «Инновацион гоёлар» республика кўрик-танлови ўтказилди.

## ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРГА БОЙ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Танлов Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Танловнинг асосий мақсади ёшларнинг замонавий техника ва технологияларга қизиқишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда ижодий тафаккур ва яратувчанлик қобилиятини ривожлантиришдан иборат, — дейди танловнинг механика, машина-созлик ва материалшунослик йўналиши бўйича ҳакамлар ҳайъати раиси, техника фанлари доктори, профессор Камол Каримов. — Танловга тақдим этилган ишларнинг кўпчилиги патентга эга экани бизни қувонтирди. Улар фойдали моделлар, ихтиролар учун берилган бўлиб, ёшларнинг илм-фан ва саноат ривожига муносиб ҳисса қўшаётганидан далолат беради.

(Давоми 6-саҳифада)



## Ҳаммани бирлаштирган лойиҳа

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусидаги тарғибот лойиҳасига яқун ясади.



Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида лойиҳа доирасида ташкил этилган «Мен сайловга тайёрман!» онлайн танлови ғолиблари, «Ватан келажаги сенинг қўлингда!» шиори остидаги расмлар кўргазмаси ҳамда тарғибот тадбирларида фаол қатнашган ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирга Марказий сайлов комиссияси, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон бадий академияси вакиллари, республика тарғибот гуруҳи аъзолари тақлиф қилинди.

(Давоми 3-саҳифада)

## «Debyut — 2014»

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Дебют — 2014» V республика фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



## Санъатдаги илк парвоз

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, театр ижодкорлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивал-

ни ўтказишдан мақсад ёш иқтидорли режиссёр, актёр, драматург ва сахна рассомларини аниқлаш, уларнинг ижодий имкониятларини юзага чиқариш, миллий ва умумин-

соний кадриятлар тараннум этилган бадий етук сахна асарлар яратишларини қўллаб-қувватлашдир.

(Давоми 7-саҳифада)

## Suhbatdosh

## «ИСТЕЪДОД УЧУН ЗАМОН ВА МАКОН ТУШУНЧАСИ НИСБИЙДИР...»



Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси — бастакор ва мушакқуносларни бирлаштирган ижодий ташкилот. Бу унинг расмий мақоми. Аслида, уюшма ваколатлари доирасига бошқа муҳим вазибалар ҳам киради. Масалан, истеъдодли ёш мушакқуносларни топиш, тарбиялаш, уларга маънавий кўмак бериш. Бу борада уюшманинг ҳар бир аъзосиyo ходими ўзида масъулият сезади. Ахир, ижодий жараён фақат саккиз соат иш вақтидан иборат эмас-да. Баъзан битта истеъдодли тарбиялаш учун ойлаб, йиллаб вақт кетади. Агар кимдир тайёр мутахассис қилиб тарбиялаш учун таълим ёки амалиётнинг, иш вақтининг ўзи етарли бўлганда жойларда устоз-шогирдлик анъанасига асло

ўрин қолмас эди. Дейлик, санъаткорнинг камолга етиши учун истеъдод ёхуд билим кифоя қилмайди.

Уюшма томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллий санъатимизни янада бойитиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу ишларнинг бо-риши, самараси, умуман, бугунги миллий бастакорлик мактабимизнинг аҳволи ва бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари Ҳабибулла Раҳимовга мурожаат қилдик.

(Давоми 4-саҳифада)

**«ОБУНА — 2015»**

Ўзбекистон ёшларининг бош наشري — «Turkiston» 2015 йилда ҳам сизнинг маслақдошингиз, ҳамроҳингиз бўлади.

**«TURKISTON» САҲИФАЛАРИДА:**

Мамлакатимизда, «Камолот» худудида — ёшлар ҳаётида рўй бераётган долзарб мавзудаги мақолалар, оригинал лавҳалар, «Сухбатдош», «Амалиётчи», «Интерактив», «Табиатнома» сингари саҳифалар, «Истиқлол фарзандлари», «Ёш ихтирочи», «Сенинг тенгдошинг», «Санъат», «Спорт», «Билиб қўйган яхши» каби рунлар, шунингдек, бутун оламдан қизиқарли воқеалар тафсилоти, теша тегмаган гаплар, ажабтовур фотолавҳалар...

**ОБУНА ИНДЕКСИ: 203**

**«TURKISTON»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!**

## Xabarlar



Хоразмда оғир оилавий шароитда тарбияланаётган ва профилактик рўйхатда турган вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида «Биз келажакка ишонамиз!» ёшлар форуми ўтказилди.

Асрлар оша яшаб келаётган урф-одатлари, тили ва бой маданий мероси билан ўзбек ва ҳинд халқлари қадим цивилизация бешикларидан ҳисобланади. XI асрда буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарини бу сеҳрли мамлакатга бағишлаган. Унда ҳинд диёрининг табиати, тарихи, халқининг турмуш тарзи, фалсафий-диний дунёқарашлари ҳақида ҳикоя қилинган. XVI асрда буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» китоби билан бутун дунё учун Ҳиндистонни янгидан кашф қилди, ҳинд халқини Ватанимизнинг гўзаллиги, кўрктаровати билан таништирди.

## ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Лойиҳа вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, Республика маънавият тарғибот маркази ва «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил қилинди. Унга туман ва шаҳарлардан 235 нафар бола жалб этилди.

Форумнинг очилиши Урганч шаҳридаги «Шум бола» болалар дам олиш масканида бўлиб ўтди. Ёшлар санъаткорлар иштироки-

даги концерт дастуридан баҳраманд бўлиб, турли аттракционлардан бепул фойдаланди. Шундан сўнг «Юртим тарихини ўрганаман» лойиҳаси доирасида сайёҳлик автобусларида Урганчнинг замонавий қиёфаси, шаҳарда қад ростлаган янги бино ва иншоотларни томоша қилди.

Вилоят марказидаги ихтисослаштирилган санъат мактабида

улар учун психология, маданият, спорт, саломатлик йўналишларида семинар-тренинглар ўтказилди. Шунингдек, «Ўзбекино» миллий агентлиги буюртмасига кўра суратга олинган «Гумроҳлар» бадиий фильми намойиш этилди. Форумнинг фаол иштирокчиларига дипломлар топширилди.

Шахло САФАШЕВА

## РАССОМ ТАЛҚИНИДАГИ ДЎСТЛИК

Уч асрдан зиёд вақт давомида Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобурийлар империяси даврида бу мамлакатнинг маданий-маърифий хазинаси янада бойиди, жаҳонга машҳур меъморий обидалар бунёд этилди. Халқимиз неча асрларки, «Калила ва Димна», «Рамаяна», «Маҳабҳарата» дostonлари ва Робиндранат Тагор, Жавахарлал Неру каби ҳинд намоёндаларининг асарларидан баҳраманд бўлиб келмоқда.

Истиклол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида икки давлат ўртасидаги муносабатлар янги мазмун касб этди, ҳамкорлик изчил тараққиёт йўлига тушди. Жорий йилда бу борада турли тадбирлар, концерт дастурлари, илмий-амалий анжуманлар ташкил этилди.

Ҳиндистоннинг юртимиздаги элчихонасида бўлиб ўтган «Ҳиндистон: Ўзбекистон ёш рассомлари нигоҳида» кўрик-танлови «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбир халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстлик ва биродарлик, маданий-маърифий ҳамкорлик ривожига ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир.

Кўрик-танловга ёш ҳаваскор ва профессионал рассомларнинг эллиқдан ортиқ ҳар икки давлат манзаралари, бой маданий мероси, тарихий анъаналари, қадриятлари акс этган асарлари тақдим этилди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Ўзбек ва ҳинд санъати усталарининг куй қўшиқлари ва миллий рақслари кечага янада файз бағишлади.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,  
«Turkiston» муҳбири

Қарши банк коллежида бадминтон бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида «Камолот» кубоги» учун вилоят очик чемпионати бўлиб ўтди. Ҳаракатнинг Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят бадминтон федерацияси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада туман ва шаҳарлардан келган юз нафар бадминтончи кортга чиқди.

КУБОК УЧУН  
100 ДАЪВОГАР

Қизғин ва мурасасиз курашларга бой бўлган мусобақа яқунларига кўра, 1995—1999 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Шохрух Азимов, Жаҳонгир Худойқулов, Лазиз Шойқулов, Мадина Соҳибова, Фарангиз Худойқулова, Сайқал Очилова ғолиб бўлди. 2000—2004 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасида эса Нодир Абраев, Тоҳир Усмонов, Иззат Турғунбоев, Сетора Жу-

маева, Сабина Исоқова, Ораста Раҳмоновага тенг келадиган топилмади.

Ғолиб ва фаол иштирокчилар «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шавкат КАРОМОВ,  
«Turkiston» муҳбири

ҚИЗИЛТЕПАДА  
ЯНГИ ШИФОХОНА

Қизилтепа туманидаги Тошрабат қишлоқ врачлик пункти қайта бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Қисқа муддатда қурилган тиббиёт муассасасининг очилиш маросимида Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов иштирок этди.

Айни пайтда ҚВПда тўрт нафар шифокор, ўттиз нафар ҳамшира ҳудуд аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктида стоматология, аёллар маслаҳатхонаси, лаборатория ва физиотерапия хоналари янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Отабек АСЛОНОВ,  
«Turkiston» муҳбири

Гулистон шаҳрида Конституциямизга бағишланган расмлар ва иншолар танлови ўтказилди.

ТАСАВВУРНИНГ  
ИЖОДИЙ ИФОДАСИ

«Камолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган лойиҳада умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Ўттиз нафардан зиёд ёшлар Бош қомусимиз ҳақидаги тасаввурларини ижодий усулда ифода этиш имконига эга бўлди.

Иншолар танловида 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Садоқат Абдунабиева 1-ўринга сазовор бўлди. Расмлар танловида Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Азиз Қўлдошев ғолибликни қўлга киритди.

Элёр ЖЎРАЕВ

«ИЛЛАТЛАР БИЗГА  
БЕГОНА!»

Баҳмал маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда уларнинг спортга қизиқишини ошириш мақсадида «ОИТССиз соғлом турмуш сари!» мавзуида семинар ўтказилди.

«Камолот» ЁИХ Баҳмал тумани кенгаши, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, ички ишлар бўлими, саломатлик маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда мутахассислар ва коллеж ўқувчилари иштирок этди.

Семинарда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар, инсон соғлиги учун зарарли иллатларнинг салбий оқибатлари ҳақида маълумот берилди.

Шаҳзод ТУРСУНОВ,  
«Камолот» ЁИХ Жиззах вилояти кенгаши  
матбуот котиби

# Ҳаммани бирлаштирган лойиҳа

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Бир ой аввал Ҳаракат томонидан мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 22 йиллиги, шунингдек, парламент куйи палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказиладиган сайловлар муносабати билан тарғибот ойлиги эълон қилинган эди. Шу мақсадда Тошкент давлат юридик, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Тошкент давлат педагогика, Ўзбекистон миллий университетларининг иқтидорли талаба ва магистрантларидан иборат тарғибот гуруҳи шакллантирилди. Юз нафарга яқин тарғиботчи республикаимизнинг барча ҳудудларида тарғибот миссиясини олиб борди.

— Қорақалпоғистон Республикасининг еттита туманида бўлиб, олти минг нафар ёш билан учрашдим, — дейди тарғибот гуруҳи аъзоси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Қанат Абдиқаримов. — Асосий аудиториямиз коллеж ва академик лицей ўқувчилари эди. Улар билан мулоқот давомида Конституцияимизнинг ҳар бир бобини ҳаётий мисоллар, юртимиздаги демократик ўзгаришлар, турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар билан боғлаб шарҳлашга ҳаракат қилдим. Сиёсий ҳуқуқларимиз ҳақида сўз борганда, табиийки, ўқувчилар сайлов жараёни билан қизиқди. Саволлар кўп бўлди. Аммо эътиборимни тортган нарса бошқа. Йигит-қизлар сайлов ҳақида чуқур ўйланган, баъзан сизни ҳам ўйлантириб қўядиган саволларни берапти. Бу уларнинг ҳуқуқий онги юксалгани, сиёсий жараёнларга бефарқ эмаслигидан далолат. Бундай жонли мулоқотлардан мамнун бўла-

сан, киши. Бўлғуси дипломат сифатида тарғибот ойлиги ўзимга ҳам тажриба тўплаш имконини берди.

Таъкидлаш керак, бу йилги тарғибот лойиҳасининг нафақат географияси, сифат ва салмоғи ҳам бошқача. Ойлик давомида 12 мингдан ортиқ тарғибот тadbирлари ташкил қилиниб, 1,5 миллион нафарга яқин ёш қамраб олинган олдинги ҳолатга қараганда ўзига хос рекорд кўрсаткичдир.

Яна бир эътиборли жиҳат: «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳуқуқий тарғибот усул ва воситаларини йилдан-йилга такомиллаштириб бормоқда. Ҳаммаси тенгдошларимизнинг таклиф ва ғоялари асосида, албатта. Масалан, юртимиз таълим муассасаларида сайлов қонунчилиги ёшларга «Ёш савловчилар кунлари» акцияси, «Бугун ўқувчи — эртага сайловчи», «Сенинг овозинг ҳал қилувчи кучга эга» мавзuidaги ахборот соатлари, «Мен сайловга тайёрман!» деворий газеталар танлови каби ранг-баранг лойиҳалар орқали содда ва қизиқарли қилиб тушунтирилмоқда.

Конституция ва сайлов қанчалик жиддий мавзу бўлмасин, ижодкор ёшлар нигоҳида у барибир ёрқин тусда гаудаланади. Ёшлар ижод саройининг кўргазмалар залида намойиш этилган беш юздан зиёд расм кишини ҳайратга солади — наҳотки сиёсий ҳаётни шунчалик нозик дид ва бадиийлик билан кўрсатиб бўлса?! Аммо санъат ҳаммасига қодир. Ўзбекистон ёшлари, сиёсат тили билан айтганда эса, бўлғуси сайловчиларнинг фуқаролик позициясини тасвирий санъат воситасида ифода этиш тарғибот лойиҳасидаги энг креатив ташаббуслардан бири бўлди, десак адашмаймиз. Илк маро-



Рустам Назарматов олган сурат

таба ташкил этилган «Ватан келажаги сенинг қўлингда!» шиори остидаги расмлар танловида Камолиддин Беҳзод номидаги миллий расмоллик ва дизайн институти, Республика расмоллик коллежи, Республика ихтисослаштирилган санъат мактаби, болалар мусиқа ва санъат мактабларидан тўрт юз нафар ўқувчи иштирок этди. Ижодий ишларда болаларнинг сайловга тайёргарлик жараёнидан тортиб, депутатликка номзодлар ҳамда ҳаётда биринчи бор сайловда қатнашадиган электрорат ҳақидаги тасаввур ва орзу-интилишлари акс этган. Шундан-да ҳар бир асар беғубор, самимий ва бетакрордир. Экспозиция учун танланган шиор эса ижодкору томошабинга бирдек оптимистик кайфият ва ишонч бағишлайди — «Ватан келажаги сенинг қўлингда!».

— Танловда катта иштиёқ билан қатнашдим, — дейди 1-ўрин соҳиби, пойтахтимиздаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Алина Бородина. — Аввало, мавзуси маъқул келди. Конституцияни мактабда ўргана-

мўйқалам ёрдамида тушунтириш расмоллик учун ҳақиқий ижодий синов бўлса керак. Мен Бош қомусимизни мустақам қалқонга ўшатаман. Худди соябон каби у бизни ҳимоя қилади. Асар ғояси санокли дақиқалар ичида ҳаёлимга келди. Уни «Биз ҳимоя остидамиз» деб номладим. Ижодим юқори баҳоланганидан хурсандман.

Расмлар танлови ғолиблари олий, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда санъатга ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ўртасида алоҳида, учта ўрин бўйича аниқланди. Танловда «Энг фаол иштирокчи», «Энг ранг-баранг ва кенг қамровли иш», «Энг яхши ғоя», «Ҳаваскорликдан профессионаллик сари» номинациялари жорий қилинди.

«Камолот»нинг [www.elections2014.kamolot.uz](http://www.elections2014.kamolot.uz) суб-сайтида ўтказилган «Мен сайловга тайёрман!» онлайн танлови Конституция билимдонларини бефарқ қолдирмади. Эслатиб ўтамиз, миллий интернет сегментида мазкур лойиҳа уч йилдан буён амалга оширилмоқда. Бу сафар унда 121 минг нафардан ортиқ ёш ўз билимини си-

новдан ўтказди.

Танлов 5 ноябрдан 8 декабрга қадар онлайн режимида давом этди. Тизимда руйхатдан ўтган фойдаланувчилардан дастлаб Конституцияга доир ўнта тест саволини беш дақиқа ичида ечиш талаб қилинди. Тўғри ва тезкор берилган жавоблар сонига қараб икки юз нафар билимдон иккинчи босқичга йўлланма олди. Финалда улар яна ўнта саволга жавоб бериши керак бўлди. Мутлақ ғолибликни Зарафшон шаҳридаги 13-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Маржона Ҳайдарова қўлга киритди. У барча саволларга жавобларни бехато белгилади. 2-ўрин Фарғона вилоятидан Элёр Соҳибов, 3-ўрин сурхондарёлик Ўткир Холбадаловга насиб этди.

— Тарих ва ҳуқуқ фанларига қизиқаман, — дейди Маржона Ҳайдарова. — Танлов баҳонасида билимларимни такомиллаштирдим. Келгусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиш орзум бор.

**Наргиза УМАРОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

Kun mavzusi

## САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Марказий сайлов комиссиясининг сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишини мониторинг қилиш натижаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда халқаро кузатувчилар, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва журналистлар иштирок этди.



партияларга тенг имкониятлар яратилади. Сайловолди ташвиқоти адолатли, очиқ ва ошқора ўтказилиши лозим. ОАВ орқали бериладиган маълумотлар тўғри бўлиши, депутатликка номзодлар ва сиёсий манфаатларига зид бўлмаслиги лозим. Жорий йилнинг 15 но-

ябридан бошлаб сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар ўз сайловолди дастурларини сайловолди қоидаларини сайловолди ташвиқоти бошлади. Марказий сайлов комиссияси томонидан бу йилги ташвиқотда сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар барча оммавий ахборот воситаларидан алифбо тартибда фойдаланиши белгиланди. Унга кўра, дастлаб Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демок-

ратик партияси, сўнг Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди ташвиқоти материаллари бериб берилмоқда.

«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда востока» республика марказий нашрларида сиёсий партия ва депутатликка номзодларнинг материаллари чоп этилмоқда. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг нашрларида ҳам ташви-

қот амалга оширилмоқда.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле ва радиоканалларида чиқиши учун бир хил эфир вақти ажратилган.

Сайловолди ташвиқоти кампаниясида ташқи реклама воситаларидан самарали фойдаланилмоқда.

Мажлисида ҳозирги кунга қадар сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар томонидан амалга оширилган сайловолди ташвиқотида қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари кузатилмагани қайд этилди.

**Жавлон ВАФОЕВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

# «ИСТЕЪДОД УЧУН ЗАМОН ВА МАКОН ТУШУНЧАСИ НИСБИЙДИР...»

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

— Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси ёшларнинг истеъдод ва интилишини қўллаб-қувватлаяпти. Ёш бастакорларимиз халқаро танловларда муваффақиятга эришяпти. Ҳар йили «Давр садоси» фестивали, «Ёш бастакорлар», «Ёш мусикашунослар», «Созанда» каби ижодий беллашувларда истеъдодли мусикачилар кашф этилаётганидан ҳам хабаримиз бор. Уюшма томонидан қилинаётган ишлар тўғрисида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

— Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси томонидан қилинаётган ишларнинг замирида юртимиз мусика санъатини бойитиш ва юксалтириш, миллий мусика аъёнларини асраб-авай-

Ўзбекистон бастакорлар уюшмасида «Ёшлар билан ишлаш», «Эстрада мусикаси», «Мусикашунослик», «Саҳна асарлари», «Болалар мусикаси», «Оммавий жанрлар», «Симфоник ва камер мусикаси», «Ҳарбий ватанпарварлик», «Анъанавий мусика», «Бастакор-оранжировкачилар» шўбалари фаолият кўрсатади.

лашдек эзгу мақсадлар мужассам. Уюшмамиз ёш истеъдодларга доимий ғамхўрлик кўрсатиб, уларнинг излашуу иқтидорини мунтазам рағбатлантиради.

Сиз юқорида анъанавий тарзда ташкил этилаётган тадбирларимиздан баъзиларинигина айтиб ўтдимиз. Ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларимиз кўп. Айтиш пайтида «Халқаро симфоник мусика», «Бойсун баҳори», «Куз наволари», «Илҳом» каби фестиваллар, Назира Аҳмедова номидаги республика хонадалар танлови, «Янги номлар» республика беллашуви, «Санъат гунчалари» ёш истеъдодлар кўрик танловлари орқали бастакорлар кашф этилмоқда. Мусика ижодкорларига яратган асарларини мухлислар эътиборига ҳавола этиш имкони берилаётир. Яқинда «Давр садоси» фестивалини ўтказдик. Унда минглаб ёшлар иштирок этди. Қатнашчилар малакали мутахассис ва томошабинлар синовидан ўтди. Энг асосийси, саҳнада қобилиятини намойиш этиб, дўстларининг ижро маҳоратини кўрди. Бир-бирининг яратган асарларини тинглаб, баҳолади. Ўшанда узоқ-яқин манзиллардан ёш бастакорларни топиб, ҳамкорлик ўрнатдик.

Ҳар йили уюшма аъзолари ижодининг ҳисоботи тариқасида «Давр садолари» фестивали ташкил этилади. Унда нафақат тажрибали композиторлар, балки ҳаваскор ёшлар ҳам турли жанрларда яратган асарлари билан қатнашади. Яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясида опера, оперетта, балет, мусикали драма, симфония, йирик ва кичик жанрдаги симфоник ва камер чолғу асарлари, вокал,

эстрада, болалар мусикаси, талабалар асарлари ижро этилди. Нурали Эркаев, Дилноза Зокирова, Ойдин Абдуллаева, Нодирбек Махаров, Сарвар Юсуповнинг ижодий ишлари мухлисларга манзур бўлди. Айниқса, Сарвар Юсупов «Африкалик гўзал» асарига мос бетакор композиция яратибди. Ҳозир ушбу асар Муқимий номидаги ўзбек давлат мусика театрида томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

— Истеъдод билим билан сайқал топади, дейишади. Мутафаккирлардан бири эса «Истеъдод меҳр-муҳаббат ила улғаяди», деган. Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси ёш ижодкорларнинг маҳоратини ошириш йўлида қандай иш олиб борилмоқда?

— Истеъдод мутолаа, илм, устозлар ўғитидан озикланади, камолга етади. Китобсиз, илмсиз истеъдод мева бермайди. Айтиш пайтида уюшмамизга 140 нафар бастакор аъзо. Улар ёшларга устозлик қилиб, санъат сирларини ўргатмоқда. Ёш авлоднинг ижодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида турли тадбирларни ҳам ўтказяпмиз.

Жорий йил сентябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ёшлар билан ижодий учрашувлар ўтказдик. А.Назаров, Ш.Шоймардонова, Р.Турсунов, М.Маҳмудов, Ҳ.Раҳимов, Р.Абдуллаев, Ф.Алимов, В.Сапаров, Қ.Комилов, М.Бафоев, С.Манноповнинг юбилей кечаларини ташкил этдик. Ёшлар бастакорлар билан учрашиб, амалий машғулларда фаол иштирок этди. Уюшмамизда ҳар ҳафтада ҳаваскор ёшлар учун ўқув-семинарлари бўлиб ўтади. Тажрибали композиторлар куй басталаш ва матнга мос мусика танлаш сирларидан дарс беради. Ёшлар устозлари кўмагида янги куйлар басталайди. 2015 йилда ҳаваскор бастакорлар концертини уюштириш режамиз бор.

— Бу қизиқ... Фақат бир савол туғилади-да. Уларнинг ижодини мухлислар қандай қабул қилар экан?..

— Очиғи, бу ҳақда биз ҳам ўйлаб кўрдик. Бошида бизда ҳам шундай ҳадик бўлди. Чунки мусика асарлари ҳали профессионал даражада эмас, айрим камчиликлар бор. Аммо бастакор, у профессионал бўладими, ҳаваскорми, журъатли, баъзан таваккалчи ҳам бўлиши керак. Ижодини мухлислар чиғирғидан ўтказиши лозим. Ижодкор яратган асар тақдирини томошабин ҳал қилади. Бунинг учун ёш мусикачилар мухлислар кўнглига йўл топиши зурур. Ишонамизки, бу концерт уларнинг томошабинлар олдидаги тузуккина имтиҳони бўлади ва унда янги ўта оладилар.

— Бугунги кун тингловчиси талабларига тўлиқ жавоб бериш учун бастакор қандай бўлиши керак?

— Санъатнинг вазифаси ҳаммани эзгуликни тараннум этиш бўлганидек,

санъаткордан талаб қилинадиган нарса ҳам ўзгармайди. Замон, макон деган тушунчалар ҳақиқий санъат ва санъаткор учун нисбийдир. Ўз ишининг профессионал соҳибини, истеъдодли бастакор ҳаммани, ҳар қандай замон ва маконда ўз ўрнига, тингловчисига, мухлисига эга бўлган. Бундан ҳеч бир ёш композитор ва бастакор хавотирга тушмаслиги керак. Бу барча истеъдод эгаларига ҳам тааллуқли. Сиз профессионал бўлсангиз, ҳеч қачон «соя»да қолиб кетмайсиз.

Бастакор — бу мусика воситасида инсонларни тарбиялайдиган педагог. У нота ёрдамида куйлар басталаб, қалбларга йўл излайди. Бу юракка, қалбга йўлни топа олиш эса санъаткорнинг истеъдоди, билими, маҳоратига боғлиқ.

— Ёшларга қайси бастакорларнинг ижодидан кўпроқ баҳраманд бўлишни маслаҳат берасиз?

— Яхши бастакорлар етарли, аммо зўр ижодкорлар кўп бўлмайди. Ёшлар Рустам Абдуллаев, Алишер Расулов, Мирхалил Маҳмудов, Абдулазиз Ҳасанов, Авазбек Маллабоев каби тажрибали санъат устозларининг ижоди билан танишиб, яратаётган асарларини ўрганса, мусиканинг жозибаси, сеҳри, «эркалик»ларини ҳис этади. Ёш бастакорлар мусикада услуб қанчалик аҳамиятли эканини англайди. Чунки уларнинг ўз услуби бор. Услубсиз бастакор санъатда узоқ «яшай» олмайди. Шу боис мусика асар сизники эканини билдириб туриши учун ҳам услуб яратилиши керак. Уюшмамизда ёш бастакорларга ижод услубини яратиш имконини берадиган ўқув-машғулларни ташкил этганмиз. Ёш композитор Ойдин Абдуллаевнинг услуби бор. Унинг «Ўзбекистон», «Онт», «Ватандир»,

Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлимлари мавжуд.

«Ёшлик, баҳор, муҳаббат», «Ўзбегим ёшлари» кўшиқларига басталаган куйларини тингласангиз, кайфиятингиз кўтарилади. Ҳар бир оҳангиде бастакорнинг «нафаси» сезилиб туради.

— Тенгдошларимиз ўзбек бастакорлик мактабиде яратилган куй-кўшиқларни жаҳон саҳналарига олиб чиқмоқда. Келинг, уларнинг халқаро танловларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида ҳам тўхталайлик.

— Бу ҳақда айтадиган гап кўп. Жаҳон мусика марказларидан бири — Ўзбекистонда кўплаб ёшлар нуфузли танловларга қатнашиб, юқори натижаларга эришмоқда. Яхшиси, сизга бу муваффақиятлар муҳрланган рўйхатни берай.

Рўйхатга назар ташлаймиз ва Ҳабибулла аканинг гапининг тасдиғи сифатида баъзиларини қоғозга туширамиз:



...Абдумалик Абдуқайумов — Грузияда ўтказилган халқаро вокалистлар танлови гран при соҳибини, Қозоғистон, Россияда бўлиб ўтган халқаро танловлар ғолиби;

Ойгул Фулом қизи — Хитойда ўтказилган халқаро вокалистлар танлови совриндори;

Нодирбек Махаров, Нурали Эркаев — Украинада ўтказилган XII халқаро бастакорлар танловида биринчи ўринларни эгаллади...

— Уюшманинг мусика ва санъатга ихтисослашган ўқув муассасалари билан ҳамкорлиги қандай?

— Республикаимиздаги барча мусика ва санъатга ихтисослашган ўқув даргоҳлари билан ҳамкорликда самарали ишлар қилинмоқда. Тадбир, танловлар ташкиллаштиряпмиз. «Ёш мусикашунослар» танлови иштирокчиларнинг яратган ижодий ишларини чоп этиб, ўқув-қўлланма сифатида тарқатаймиз. Ҳозир Ўзбекистон давлат консерваторияси билан шартномалар тузилган ва ҳамкорликда мусика фестивалларни уюштиряпмиз.

— Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси фаолиятини янада ривожлантириш учун яна нималар зарур?

— Уюшмамизда мусика жамғармаси ташкил этилса, фаолиятимиз янада кенгайган бўларди. Жойларда янги истеъдод эгаларини кашф этиб, иқтидорини янада ривожлантириш учун имкониятлар яратган бўлардик. Ҳозир баъзи вилоятларда уюшмамиз бўлимлари фаолият кўрсатади. Агар барча вилоятларда бастакорлар уюшмаси бўлимлари ташкил этилса, нур устига нур бўларди.

Ёш бастакорларни қўллаб-қувватлаш учун турли жанрдаги танловларни ташкил этиш ниятимиз бор. 2015 йил ноябрда халқаро мусика фестивалини ўтказишни режалаштирганмиз. Унда ўнта давлатдан бастакорлар келиб, концерт бериши ва маҳорат дарслари ўтиши мўлжалланган.

«Turkiston» муҳбири  
Кумар БЕГНИЯЗОВА  
суҳбатлашди.

## ОЧИЛ БАХШИ ЧОРШАНБИЕВ:

Бахшиликни  
яхшилик деб  
биламан!

Хумолар бошимга кўнган дам,  
Хар куним бўлганда тўй,

байрам.

Озодлик кўшигини куйлайман,  
Сен ҳам куйла жўшиб,

дўмбирам...

Кун чиқди отажон юртинга,  
Ой кулди чарогон юртинга.

Ўзбегим, бағрингни оч энди,  
Онам, деб жонажон юртинга.

Очил бахши куйлапти, наво-ларга кўшилиб юраги селдай тошиб-тошиб куйлапти. Мозийнинг орзу-армонларини оҳанг-ларга жо қилиб дўмбира сўйла-пти. Хурликнинг насимларига кўксини тутиб она юртининг ҳад-сиз қир-адирларига, боғу роғла-рига олис-олислардан бўйлапти. Келажак кунлар эса мозий кўшиғига кулоқ тутайди гўё.

...Минг тўққиз юз олтмиш тўққизинчи йил. Қишнинг сўнгги кунлари. Оппок қорлар кўрпаси остидан эндигина ниш ураётган майсалар базўр бош кўтарайди. Бахшию шоирлар, ҳофизу санъ-аткорлар ўлкаси бўлган Қашқа-дарё воҳаси баҳорнинг дийдо-рига интиқ. Куёшсевар бу макон-нинг одамлари яшариш фасли ташрифидан тўйу байрамларни ўзгача завқу шавқ билан бошлаб юборади.

Фузорда — Пачкамар қишло-ғида бугун тўй. Элмурод чўпон-нинг хонадонидида ўғил дунёга келди.

— Ов, Элмуродбой, суюнчи! Отарни бирпас тўхтатиб сўзим-га кулоқ тутинг, суюнчи учун кўлингизни хуржунга солинг. Худо сизни сийлади, чечам сиз-га Алпомишдай ўғил туғиб бер-миш, бахтингиз кулоқ кермиш...

Жарчининг овози тонгги шуъладек ҳар томон илдам ёйилди, хушхабар бутун овулга етди. Эл-улус «қуллуқ бўлсин»-га жам бўлди, «худойим ҳар ким-га шундай ўғил берсин» дея ду-ода бўлди. Жарчининг тўриқ отига ўнгарилган шохи бурама кўчқор эҳсонга аталди. Нуро-нийларнинг дуою тилаклари чўзилди: «Элмурод чўпоннинг ҳаёт йўли давом этадиган бўлди, юрагидан армони, дард, кирлари тўкилди. Очил деб кўйлик паҳлавоннинг исмини, худо кучга тўлдирсин унинг жону жисмини. Очилсин шу ўғлоннинг

бахту йўли, осмонларга етсин боши, кўли...»

Чўпоннинг хонадонига, қал-бига нур кирди, тўй дарагини эшитиб ҳар ёндан ёр-дўстлар югуриб келди. Парвоналар мўл бўлди, тўёналар кўл бўлди. Ёш-яланг кўрга ўтди, улуғлар тўрга ўтди. Бир томонда бахшилар, бир томонда полвонлар, бир то-монда чавандозлар — томоша-га ошиқди ҳар томондан яхши-лар. Тўй даврага бирин-кетин бахшилар чиқиб, куйладилар дўмбираси билан бағри жўшиб-жўшиб, куйларига эл-нинг дардин кўшиб-кўшиб. Шу пайт Элмуродбойнинг отаси Чоршанби бахши созини соз-лаб, томоғин қириб, бошлади термасини қаддини ростлаб:

Ҳай-ҳая...

Ўтмишнинг синовли кунлари баён этилган нолани эшитиб меҳмону мезбон ҳам, бешиқда-ги Очилбой ҳам тинглар эди — юрагини порлоқ келажакнинг башорати уйғотиб...

Бахшининг сеҳрли овози, ҳеч бир нота ёки бошқа мезон бил-лан ўлчанмайдиган оҳанглар, қофияга ўралган жимжимадор, меъдага тегмайдиган сўзлар ти-зилмаси киши руҳига сир-ли ораси бахш этади.

Ота-боболари чорва ва деҳ-қончиликда донг таратган Очил-бойнинг болалик кунлари мана шундай бахшию шоирлар ора-сида ўтди. Халқнинг орзу-ўйла-ри ифода этилган дostonлар, терма ва кўшиқлар қанотида улғайди. Бобосининг дийдаси-га ёш тўлиб куйлаган термала-ри, «оҳува», «ҳай-ҳая»лари мурғак бола қалбига сингиб кет-ди. У, чапани аммо ҳар қандай мукамал санъат асарини мум тишлатиб кўядиган дўмбира са-доларига муҳрланган қадимий наволарнинг асирини айланган эди. Кунларнинг бирида беих-тиёр кўлига дўмбира олиб яй-ловда, кўй-кўзилар ортидан эр-гашиб бепоеён қирларда жажжи юраги жўшиб куйлай бошлади:

Дўмбирам охи малҳам —  
Қалбим элга тўшасам.  
Ҳеч армоним йўқ энди  
Алпомишга ўхшасам...

Узоқдан унинг хонишига кулоқ солган бобоси қалбидида ўзгача



ЎЗА фотомухбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат

фахр туйди. «Ай, улим, менинг армонимни ушалтирадиганга ўхшайсан. Ишқилиб худонинг ўзи сенга мададкор бўлсин».

Аввал у тенгқурлари, кейин эса ҳамқишлоқлари орасида ёш бахши деган ном олди. Ово-зининг сеҳри аста-секин кўшни қишлоқларга ҳам бориб етди. Унинг Фузор туманидаги 46-мактабда ўтган ўқувчилик йил-лари ҳам ортда қолди. Икки йил мобайнида ота касби — отарнинг ортидан эргашиб, дўмбира билан янада яқинлаш-ди, дўстлашди. Лекин у даврал-ларга кириб куйлашга тортинди. Яқин-ёт унинг нолаларини олислардан эшитиб юрди. Бу орада икки йиллик ҳарбий хиз-матни ўтаб келиб, мустақил оила остонасига қадам қўйди. Уч фарзанднинг отаси бўлди. Шундан сўнг у «Пачкамар» шир-кат хўжалигида, кўп ўтмай, 1-мактабгача таълим муассасаси-да фаолият олиб борди. Бироқ унинг қалби ҳамон бахшичилик-ка бўлган муҳаббат билан бе-дор эди. Унинг жўшқин нолала-рини тўйларнинг бирида халқ бахшиси Қаҳҳор Раҳимов эши-тиб қолади ва уни ўзига шо-гирдликка олади. Бўлажак бах-ши Қарши маданият коллежи-да ўқишни тамомлаб, ёш ав-лодга мусиқа сирларидан сабоқ бера бошлади.

Халқимизнинг ўлмас мероси бўлган «Алпомиш», «Кунтуғ-миш», «Ёзи билан Зебо», «Ой-парча», «Гўрўғли» дostonлари-ни куйлаганда Очил бахши эмас, гўёки қахрамонлар сўйла-ётгандай бўларди. Аввало, Худо оқтирган истеъдод, қолаверса, элнинг меҳри, Қаҳҳор бахши-нинг эътибори билан Очил Чор-шанбиев Қашқадарё бахшичи-лик мактабининг моҳир вакил-ларидан бирига айланди. Туман, вилоят, республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловларда

ўз иқтидорини намойиш этиб. Бош совринларга муносиб деб топилди. 2005 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган «Бойсун баҳори» фестивалида катта-катта, таниқли бахшилар билан беллашди, баланд пар-дада куйлади. Фестиваль ҳакам-лари унинг чиқишини юксак ба-ҳолади.

Бахши эрта-кеч ўз устида ишлади. Бора-бора халқнинг эътирофига сазовор бўлди. 2010 йили ўтказилган «Ягона-сан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг вилоят босқичида она юрт мадҳ этилган термала-ри билан 1-ўринни олди, тан-ловнинг Самарқандда ўтказил-ган республика босқичида эса Очил бахшига Гран-при муко-фоти насиб этди.

Халқимиз азалдан санъатни, санъаткорларни эъзозлайди. Неча минг йиллардан бери яшаб, асрлар оша сайқалланиб келаёт-ган бахшичилик санъати анъана-ларини давом эттираётган юрт-дошларимиз сафида Очил бах-ши ҳам бор. Унинг миллий бах-шичилик санъатини ривожланти-ришга кўшган ҳиссаси давлати-миз томонидан юксак эътироф этилди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида Очил Чоршанбиев Президентим-миз фармонида биноан «Ўзбеки-стон Республикаси халқ бахши-си» фахрий унвони билан тақдир-ланди. Хушхабарни эшитиб унинг юрагига айланган дўмби-раси янада жўшиб кетди.

Бундай лаҳзаларда нафақат бахши, ҳар қандай инсоннинг ҳам кўзида бахтиёрлик, ҳаяжон бўлади. Утмиши, ота-боболари кўз олтидан ўтади. Давлатимиз-нинг юксак мукофотига муносиб кўрилганини эшитган онда Очил бахшининг-да кўзига ёш қалқди. Унда ҳам қувонч, ҳам бахтиёрлик бор эди. Шунда у беихтиёр боболарини эслади.

Истиқлолга ташна диллар нидо-сини куйга солди:

Дўмбирам дамиди бўзларим,  
Эримас кўксимдан музларим.  
Утмишдан бир садо сўзларим,  
Хурликни кўрмаган кўзларим —  
Тўлди-я қонларга, болам-а...

Кучимиз қолмади билакда,  
Ушимиз қолмади элакда.  
Бор эди бир армон юракда,  
Истиқлол насими тилакда,  
Сиз етган шонларга, болам-а...

Қадрланг, озодлик бахтингиз,  
Шараф, шавкатингиз,

тахтингиз.  
Буюкликдан нишон шахдингиз,  
Юртга содиқ бўлсин аҳдингиз,  
Бизлар-ку зор ўтдиқ бугунги —  
Ўзбекистонларга... болам-а!!!

(Шеър Лочин Элматовнинг «Истиқлолга ташна диллар ни-доси» туркумидан олинган).

— Кўнгил эриб кетди, ғам-дан эмас, бахтдан, — дейди Очил бахши Чоршанбиев. — Эсимни таниганимдан бери санъатга ошноман. Кўглаб халқ дostonларини ёд олдим ва куй-ладим. Англаган ҳақиқатларим-дан бири шу бўлдики, бахши-лик бу — яхшиликдир. Давла-тимизнинг шундай юксак муко-фотида эришганимни, фақат менга эмас, барча бахшилар-га, бахшичилик санъатига кара-тилаётган эътибор, рағбат деб биламан. Бу бизга куч-ғайрат, илҳом бахш этади. Янада кўпроқ ижод қилишга ундайди.

Айни пайтда Очил Чоршан-биев ўзи таълим олган Фузор туманидаги 46-мактабда бола-ларга мусиқа фанидан сабоқ бераётди. Келажакда ўзи каби бахшилар етишиб чиқиши учун бор куч-ғайратини сарфлаётди.

Шавкат КАРОМОВ,  
«Turkiston» мухбири

## Ijodiy tanlov

## Ватанга муҳаббат изҳори

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида йилда икки маротаба «Ёш етакчиларни қўллаб-қувватлаш лойиҳа-си»ни ўтказиш анъанага айланган.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қув-ватлашга қаратилган ушбу лойиҳа до-ирасида 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг ижодий қобилият-лари ҳам синовдан ўтказилади. Яқин-да улар инглиз тилидан билимлари-ни намойиш этди.

— Танлов шартига кўра дастлаб «Ватанингиз тўғрисида хорижлик

меҳмонга айтадиган фикрингиз» мав-зуида иншо ёздик, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия универ-ситети халқаро ҳуқуқ факультети та-лабаси Назрулла Маннанов. — Юз-лаб иштирокчилар орасидан ўттиз нафар энг яхши иншо муаллифи тан-лаб олинди. Иккинчи босқичда ёзган иншомиз «Ўзбекистон — буюк тарих,

буюк келажакка эга бўлган давлат-нинг ўтмиши ва бугунги куни» мав-зусида бўлди. Унда мен юртимизнинг бой тарихи, маданияти, ютуқларини қаламга олдим. Давлатимиз томони-дан ёш авлодга яратиб берилган им-кониятларга тўхталдим. Ижодий ишим биринчи ўринга муносиб кўрилганидан хурсандман.

Аслида ҳаммининг ўз фикри бор. Бироқ ўша фикрни ёзма тарзда ўқув-чига равон, тушунарли қилиб етка-зиш учун кишидан чуқур билимгина

эмас, иқтидор ҳам талаб қилинади. Мазкур ижодий танловнинг муҳим шarti — иштирокчилар инглиз ти-лида иншо ёзишлари керак. Ўз му-лоҳазаларини чет тилида моҳирона ифодалаш учун ёшлар анча-мунча изланишларига тўғри келди.

— Талабаларнинг ижодий ишлари-ни кўриб, улар инглиз тилида ҳам фикрларини ажойиб тарзда баён қилиш кўникмасига эга эканлигидан қувондик, — дейди «Ёш етакчилар-ни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси» ко-ординатори Замира Акрамова.

Танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Майсара НАЗАРОВА,  
«Turkiston» мухбири

# ИННОВАЦИОН FOЯЛAPΓA BOЙ ИЛМИЙ ТАДҚИҚOТЛAP



(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида бўлиб ўтган танловда юзга яқин ёш олимлар иштирок этди. Унда ёшлар энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги, муқобил энергия манбаларини яратиш ва ривожлантириш, ахборот ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, биотехнологияларни ривожлантириш, кимё технологияси, озиқ-овқат саноати ва фармакология, геология, геофизика, сейсмология, механика, машинасозлик ва материалшунослик, пахта тозалаш, тўқимачилик, матбаа ва энгил саноат йўналишлари бўйича илмий ишлари билан қатнашди.

— «Инновацион ғоялар» кўрик-танловида суюқликларни қудуқлардан чиқаришда газ-лифт усулининг фойдали иш коэффицентини оширадиган ускуна билан қатнашяпман, — дейди Тошкент архитектура ва

танловда мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва саноат корхоналарининг 25 ёшдан 35 ёшгача бўлган катта илмий ходим-изланувчи, мустақил изланувчи, магистрантлар ва саноат корхоналари мутахассислари долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга инновацион ишланмалари билан иштирок этди. Уларнинг ишлари фан докторлари, профессор-

ўқитувчиси Ўткир Убайдуллаев, — Ушбу танловда «Пахтачилик машина трактор агрегатлари, автомобилларнинг эксплуатацион ва технологик параметрларини назорат қилувчи ва хабарловчи бортли микропроцессорли система» номли инновацион ғоя билан қатнашяпман. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган тракторларга бортли микропроцессорли системаларни қўйиб, бир неча вази-



қурилиш институти катта илмий ходим-изланувчиси Мавлуда Ҳожиматова. — Ҳозиргача юртимизда бундай ускуна ишлаб чиқариш йўлга қўйилмагани боис, хориждан келтирилган технологиялардан фойдаланяпмиз. Шунинг учун ўзимизда ҳам шундай мосламалар ишлаб чиқарилиб, саноатга татбиқ этилса, мамлакатимиз иқтисодиётига фойда келтиради, деб ўйлайман.

ўқитувчилардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

— Бундай кўрик-танловларнинг ташкил этилиши биз, ёшлар учун катта имкониятлар эшигини очди. Шунингдек, илмий мактаб аънъаналарини давом эттириш, янги мактабларни шакллантириш, илмий тадқиқот фаолиятини янада ривожлантиришга замин яратади, — дейди Тошкент давлат техника университети катта

фани бажаришини таъминлаш йўлга қўйилляпти.

«Инновацион ғоялар» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтди.

Танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

**Назокат  
КУРБОННЁЗОВА,  
«Turkiston» мухбири**  
Рустам Назарматов  
олган суратлар

## Хабарлар

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ахборот-ресурс марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

## ЯНГИ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ КУРСАНТЛАР ИХТИЁРИДА

Анжуманда Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Хотин-қизлар қўмитаси, ИИВ академияси, Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ва қатор ташкилот вакиллари иштирок этди.

— Замонавий жиҳозланган ушбу ахборот-ресурс маркази курсантларимизнинг сифатли таълим олиши, касбий фаолиятида ахборот-коммуникацион технологиялардан унумли фойдаланишига хизмат қилади, — дейди олий техник мактабнинг илмий тадқиқот ва таҳририй нашр фаолиятини ташкиллаштириш бўлими илмий ходими, катта лейтенант Собир Собиров. — Ахборот маркази курсантларга билимларини янада мустаҳкамлаш, жаҳонда юз бераётган табиий офатлар ва воқеалардан хабардор бўлиш, ёнғин хавфсизлигига доир янги маълумотлар билан танишиш имконини беради.

**Мухиба АРСЛОНОВА**

Наманган вилоятининг Уйчи туманида «Чегара хавфсизлиги — юрт тинчлиги» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳамда маҳалла ёшлари иштирок этди.

## ВАТАН ОСТОНАСИ МУҚАДДАСДИР!

Фестиваль доирасида чегара ҳудудларига оид давра суҳбати ҳамда «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Она юрт сарҳадлари», «Ватан остонаси муқаддасдир» мавзусидаги расмлар танлови, «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!» шиори остида минифутбол ва армрестлинг, «Спорт менинг фахрим» шиори остида стол тенниси, шахмат-шашка, «Соғлом бола — миллат таянчи» шиори остида қувноқ стартлар спорт мусобақалари ташкил этилди.

Энг уддабурон ва фаол уйчилик ёшлар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Зулайхо ЗАЙНИДДИНОВА**

## Навои — мактаб

# Ортиқча ҳою-ҳавас оқибати

Марғуба қўшниси Шохистанинг чарларида ҳали вояга етиб улгурмаган қизи Дилнозанинг сепи тайёрлиги ҳақида гурур билан гапирди. Ўтирган аёллардан қай бири унга ҳавас, қай бири ҳасад билан қаради, кимдир унга ачинди ҳам.

— Дилнозахон ҳали ўн еттига ҳам тўлмадию, — деди таниш аёл.

— «Тенги чиқса, текин бер», дейишган, — гапни шарт кесди Марғуба.

Довруғи етти маҳаллага эмас, етти шаҳарга етгудай тўй қилиши ҳақида мақтаниб, ҳаммани оғзига қаратди.

Ҳою-ҳаваслар билан тўй ҳам ўтди. «Серҳиммат» она

тўйдан кейин куёвигача энгил автомашинанинг калитини совға қилди.

Дилноза учун тушунмовчиликларга тўла ҳаёт бошланди. Ҳар куни тонг-сахар — соат тўртда уйғониши, ҳаво иссиқми, совуқми, кўчага сув сепиб супуриши шарт. Янги тушган келин, ахир.

Нонушта тайёрла, юв-йи-ғиштир, ўқишга чоп. Ўқишдан

яна уйга югур, кечки овқат қилиши керак. Югур-югурдан толиққач, дарсларга қандай тайёрлансин, қандай ўзлаштирайсин? У ҳарчанд уринмасин, дарс қулоғига кирмай, мудраб қолади.

Бир куни аҳволни эрига секин тушунтириш мақсадида:

— Нозим ака, ўқишим бит-гунча юмушларга ойим сал қарашиб турсинлар, улгуролмаяпман, — деди хижолатомуз.

Бу гапни қайнона эшитиб турган экан, захрини сочиб қолди:

— Вой, келинни нимага олдим, оёғимни чўзиб ўтир-

масам. Биз келинлигимизда ҳамма ишни эплардик. Удалай олмасангиз, ўқишни йиғиштиринг! — деди.

Дилноза тишини тишига қўйиб «келинлик вазифасини» бажаришга мажбур эди. Акс ҳолда ўқиши чала қолиб кетади. «Мен иродалиман, ҳамма нарсага улгураман» — бу сўзларни ҳар куни ичида такрорлаб, унга амал қилишга уринарди.

Лекин айни шу кунларда боши айланиб, ўрнидан турса, кўз олдида «юлдузчалар» пайдо бўладиган бўлди.

Дўхтирга чиқса, «фарзанд

кутаяспиз», дейишди.

Қайнона-келин ўртасидаги бу муаммо бора-бора жанжал келтириб чиқарди.

Эрта никоҳ, доимий толиқиш, асаббузарликлар туғилажак бола саломатлигининг салбий ўзгаришига сабаб бўлди — бола вақтидан олдин туғилди. Дилнозанинг соғлиғи ҳам яхши эмаслигидан ҳамма хавотирда. Қайнона қилган такаббурлигидан афсусланди. Марғуба шошқалоқлигидан пушаймон.

Афсуски, улар буни кеч тушуниб етди.

**Майсара НАЗАРОВА**

# Санъатдаги илк парвоз

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»-ги фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ёш режиссёрларнинг «Дебют» республика фестивали илк бор 2005 йилда ўтказилган. Унда 2008 — 2010 йилларда 12 нафар, 2012 йилда 14 нафар ёш режиссёрнинг профессионал сахнада биринчи марта саҳналаштирилган спектакллари мутахассислар ва жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлди. Ушбу режиссёрларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда республика театрларида ижодий фаолиятларини олиб бормоқда.

Ёш режиссёрларнинг аксарияти «Ўзбектеатр» бирлашмаси билан халқаро театр арбоблари уюшмалари конфедерацияси ҳамкорлигида хориж театрларида малака оширди. Шунингдек, Чехов номидаги халқаро театр фестивали жараёнларини бевоқиф кузатиб, етук театр намоёндалари ўтказган маҳорат дарсларида қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 февралдаги мажлиси баёнига мувофиқ ёш ижодкорларнинг «Дебют — 2014» республика фестивали қамрови кенгайтирилиб, ёш режиссёрлар билан бир қаторда ёш актёр, драматург ва сахна расми ижодий ишлари бўйича истеъдод эгаларини аниқлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш вазифалари белгиланган.

Жорий йилда мазкур фес-

тивалда иштирок этишни мақсад қилган 60 нафардан ортиқ санъаткорнинг ижодий ишлари «Ўзбектеатр» бирлашмасига тақдим этилиб, улардан энг муносиблари саралаб олинди.

Хусусан, фестиваль дастурига беш нафар ёш режиссёр, ўн нафар драматург, саккиз нафар актёр ҳамда ўн нафар расмоннинг ижодий ишлари киритилган.



Санъатнинг режиссура, драматургия, актёрлик ва сценография йўналишлари бўйича ёш ижодкорларнинг «Дебют — 2014» республика фестивалининг тантанали очилиш маросими Ўзбек Миллий академик театрида ташкил этилди. Театр фойесидан ёш ижодкорларнинг сценографик асарлари кўргазмаси ўрин олди.

Очилиш маросимида Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Фотиҳ Жалолов, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов ва бошқалар юртимизда профессионал театр санъатини ривожлантириш, ижодий жамоалар,

ҳаваскорлик студияларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Шунингдек, театрлаштирилган томошалар йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

— Бу йилги фестивалнинг ўзгача бўлишига ишонаман, — дейди фестиваль иштирокчи-

си, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти театр санъати факультети биринчи курс талабаси Мафтуна Муҳаммадинамова. — Бу театр соҳасига энди кириб келган мен каби ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Фестивалнинг илк спектакли Ўзбек Миллий академик театрининг ёш режиссёри Асқар Холмўминов томонидан саҳналаштирилган «Тонг отган тарафларда» асари бўлди. Асар тарихий ривоятлар асосида саҳналаштирилган. Спектаклда ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат, садоқат, миллатпарварлик ғоялари бадиий ифодаланган.



ЎзА фотомуҳбири Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар

Куннинг иккинчи ярмида Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусикали драма театрининг «Жонгинам, шартингни айт» спектакли намойиш этилди. Дебютант — саҳналаштирувчи расмон Адҳам Шеркулов. Спектаклда мактаб ўқувчиси ва унинг оилавий ҳаёти акс эттирилган. Саҳна асарида оиланинг муқаддаслиги, унинг осойишталиги ва ундаги одамларнинг иноқлиги ўз аксини топган.

Фестивалнинг иккинчи куни Ўзбек Миллий академик драма театрида Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусикали драма театрининг дебютант режиссёри Шохрух Йўлдошев саҳналаштирилган «Фалакнинг гардиши» спектакли намойиш этилди. Спектакл Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романи асосида саҳналаштирилган. Асар чуқур фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, қаҳрамонлар кечинмаларининг драматик ҳолат касб этиши билан томошабинларда ажиб таассурот қолдирди. Навбат-

даги спектакль Огаҳий номидаги Хоразм вилояти драма театрининг дебютанти Гулнара Курбонованинг «Палахмон тоши» пьесаси. Ушбу асарда оиланинг муқаддаслиги, бир-бирига яқин инсонларнинг ўзаро ҳурмати, меҳри ва садоқати улуғланган.

Ҳафта давомида бўлиб ўтadиган фестивалда ҳар бир спектакль намойишидан сўнг таниқли ижодкорлар ва мутахассислар иштирокида саҳна асарлари муҳокамаси ҳамда мамлакатимиздаги етакчи режиссёрлар, театршунослар иштирокида ёшлар драматургияси, ёш актёрларнинг шаклланишида устоз-шогирдлик анъаналарининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда.

Фестиваль якунида ғолиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

**Зарнигор  
АБДУМАЛИКОВА,  
«Turkiston» мухбири**

## Tengdosh portreti

# Олти карра чемпион қиз

Машҳур ёзувчилардан бири «Ҳаёт ҳар бир кишига улкан ва бебаҳо тухфа инъом этади, бу куч-қувватга тўла ёшлик, билим ва курашга чанқоқлик, ишонч ва орзу-умидга тўла ўспиринликдир» дея ёшликни олижаноб туйғуларнинг бокира палласига қиёс этади. Кўпгина улғу ғоялар хаёлпараст ёшликнинг беғубор палагида ниш уради, аслида. Ёшлар ҳамма замонларда ҳам юртнинг эртанги кунни, келажак вориси сифатида эътироф этиб келинган.

Бугун ўз интилиши, билими, янги ва фойдали ғоялари билан ташаббускорлик кўрсатаётган тенгдошларимиз кўп. Тазквондо бўйича олти карра Ўзбекистон чемпиони, қора белбоғ соҳиби Шаҳноза Самадова ана шундай иқтидорли, юксак билимли, ташаббускор ёшлардан бири. 1997 йил 5 ноябрда Гулистон шаҳрида таваллуд топган Шаҳноза 13 ёшидан тазквондонинг ITF тури билан шуғулланиб келади.

— Илк бор мактабимиздаги каратэ тўғрагига борганимда ҳали бу спорт тури ҳақида маълумотга эга эмасдим, — дейди Шаҳноза. — У ердаги спортчи болаларнинг кўргазмалари чиқишлари, бир-биридан қизиқарли ва эпчил

ҳаракатлари мени бу спорт турига қизиқтириб қўйди. Шу кундан эътиборан тазквондо билан мунтазам шуғулланишни ва келажакда чемпион бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Мақсад инсонни юксакликка чорлайди, дейишади. Бу йўлдаги меҳнат, машаққат эса учун синовдир. Шаҳноза ўз устида доимий ишлаши, мақсади сари тинимсиз интилиши натижасида бугун синовларни мардонвор енгиб ўтмоқда. Тазквондо бўйича олти карра мамлакат чемпиони бўлганининг ўзиёқ унинг меҳнати зое кетмаганининг тасдиғидир.

Қаҳрамонимиз нафақат спорт май-

дониди, балки ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз фаоллиги, ташаббускорлиги билан ҳам ажралиб туради.

— Гулистон давлат университети қошидаги 2-академик лицейда ўқийман. Ўқиш билан бир қаторда вилоят ва республика миқёсидаги турли танлов ва фестивалларда доимий равишда қатнашиб келаман, — дейди у. — Яқинда «Истиқлол фарзандлари» фестивалининг республика босқичида иштирок этдим ва ўзим учун керакли кўп нарсани олдим. «Маҳалланинг ораста қизлари» танловининг республика босқичида қатнашиб, жамоавий баҳсларда фахрли иккинчи ўринни қўлга киритдик. Бу каби дўстлик фестиваллари ўз иқтидоримизни намойиш этиш билан бир қаторда республикамизнинг турли ҳудудларидан дўстлар орттиришда ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Сирдарё вилоятининг «Саломатлик сандиғи» газетасида жамоатчи мухбир сифатида фаолият юритаётган Шаҳноза Самадова турли мавзудаги мақолалари билан муштарийлар кўнглини



хушнуд этмоқда. Буни унинг вилоят миқёсида қўлга киритган диплом ва ютуқларидан ҳам билиб олиш мумкин.

— Президентимиз томонидан бизга кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун беҳад миннатдоримиз, — дейди Шаҳноза. — Бугун ўз иқтидоримизни намойиш этишимиз барча учун имкониятлар мавжуд. Бу каби юксак эътиборга биз, ёшлар муносиб жавоб қайтаришимиз лозим.

**Санжар ИСМАТОВ,  
«Turkiston» мухбири**

## Vatan manzaralari

ВАТАНИМИЗ ХОРИЖЛИК  
ЭЛЧИ-САЙЁХ НИГОҲИДА

Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 — 1406 йиллар)» китобидан



Бу юрт дон-дун, мева-чева, парранда гўшти, (бошқа) ҳар хил гўшт, кўйинги, ҳамма нарсага бой мамлакатдир. Кўйлари катта, сердумба, жуда йирик бўлади. Думбаси одам кўлда зўрға кўтарадиган даражада оғир — ярим пуд, яъни думбаси саккиз-ўн килограмм келадиган кўйлар бор. Сердумба кўйлар шу қадар кўп ва арзон эдики, подшоҳ лашкари Самарқандга йиғилиб келган кезлар-


да бундай кўйлардан бир жуфтнинг нархи бир дукат (Испания тангаси) турарди. Бошқа моллар ҳам шу қадар арзон, бир ярим фанега (Испанияда ғалла маҳсулотлари учун қўлланиладиган оғирлик ўлчови, 1 фанега, тахминан, 0,5 килограмм) арпанинг нархи чамаси ярим реал (Испанияда пул бирлиги) эди. Нонни сув текин деса бўлади, гуруч эса ҳаммаёқни босиб кетган эди.

Самарқанд ва унинг атрофидаги ерлар ҳайратомуз даражада мўл-кўл ва бой эди. Мана шундай бойлиги туфайли шаҳар Самарқанд деб аталади. Унинг ҳақиқий номи Семизкент, яъни бой қишлоқ, демакдир. Самарқанд шу номдан келиб чиққан.

Шаҳарнинг бойлиги озиқ-овқатларнинг мўл ва арзонлигидангина эмас. Бу ерда кўплаб ишлаб чиқиладиган атлас, кимхоб, сандал, тафта ва терсеналь сингари шоҳи газламалар, мўйна ва шоҳидан тайёрланган астарликлар, упа-элик ва (бошқа) пардоз моллари, зиравордориворлар, зарҳал ва кўк-ложувард бўёқлар, бошқа нарсалар ҳам мўл-кўл эди. Подшоҳ шаҳарнинг шуҳратини ошириш ниятида шу қадар кўп саёх-ҳаракатлар қилдики, у қайси бир мамлакатни забт этган ва бўйсундирган бўлса, уларнинг ҳаммасидан (ҳунарманд) одамларни олиб келиб, Самарқанд ва унинг теварак-атрофидаги ерларга жойлаштирди.

«O'zbekiston belgisi»  
ko'krak nishoni sohiblari

**Жамшид Сайдиқаримов,  
В.Успенский  
номидаги  
Республика  
ихтисослаштирилган  
музыка академик  
лицейи ўқувчиси:**



— Халқимиз, давлатимизнинг юксак ишончи ифодаси бўлмиш «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Бу мукофотга сазовор бўлган ёшлардан бири эканимдан фахрланаман. Санъатга бағишланажак келгуси фаолиятим давомида янги зафарлар кучиб, миллий музика санъатимизни янада юксак поғоналарга кўтаришга муносиб ҳисса қўшаман.

Санъаткорлар оиласида туғилганман. Академик лицейнинг виолончель синфида таҳсил оляпман. Болалиқдан санъатга ошнолигим дунёқарашимда ҳам ўз аксини топди. Бутун оламни санъатнинг сеҳрли садолари чулғаса, дейман. Адабиёт ва санъатни севадиган инсон қалбида яхшилик яшайди дейди устозларимиз. Менимча, санъатга алоҳида эътибор қаратадиган юрт одамлари кўнгли ҳам бунёдкорлик гоёларига, эзгуликка тўла бўлади.

Юртимиздан ташқари Франция, Австрия, Швейцария, Жанубий Корея, Украина, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларда ўтказилган ўндан ортиқ танлов ва фестивалларда муваффақиятли қатнашдим. Кўплаб ютуқларга эришдим. Танловлар воситасида хорижлик музикачилар билан тажриба алмашдим. Буларнинг барчаси давлатимизнинг биз, ёшларга, хусусан, ёш санъаткорларга кўрсатган чексиз ғамхўрлиги, юксак эътибори натижасидир.

Ўзбекистонлик ёшларнинг истеъдоди, миллий санъатимиз, бебаҳо музика меросимиз жаҳонда юксак қадрланмоқда. Нуфузли сахналарда Ватаним шаънига гулдурор қарсақлар янграганида буни ҳис қиламан.

## Sport

ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда шахмат мухлисларининг нигоҳи Венгрияга қаратилган. Ушбу мамлакатнинг Диёр шахрида ўн олти ёшгача бўлган ўғил ва қизлар ўртасида жаҳон шахмат олимпиадаси бўлиб ўтмоқда. Унда Маматкул Хайлаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда.

Олимпиаданинг дастлабки икки турида вакилларимиз ғалаба қозонди. Дастлаб шотландиялик шахматчиларни 4:0 ҳисобида таслим этган жамоамиз 2-турда Греция терма жамоасини 2,5:1,5 ҳисобида енгди. Учинчи ва тўртинчи турларда Маматкул Хайлаев шогирдлари Украина ҳамда Канада терма жамоалари билан дуранг ўйнади. Бу иккала учрашувда бир хил — 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Олимпиадада Нодирбек Абдусатторов, Баҳора Абдусатторова, Нодирбек Ёқуббоев сингари мамлакатимизнинг энг иқтидорли ёш шахматчилари юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

ОСИЁ КУБОГИ  
ЖУДА ЯҚИН...

2015 йил Австралияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича Осиё кубоги мусобақасига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2 — 14 декабрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шахрида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказди.

Деярли икки ҳафта давом этган йиғин бош мураббий Миржалол Қосимов учун қитъа чемпионатида иштирок этадиган спортчиларни танлаб олиш имкониятини берди. Янги Зеландиянинг «Окленд» клуби (0:0) ҳамда Фаластин терма жамоасига (1:0) қарши ўтказилган ўртоқлик ўйинларидан сўнг терма жамоамиз юртимизга қайтди.

Тошкентда икки кун бўлган юртдошларимиз ўқув-йиғиннинг иккинчи босқичини яна БААда давом эттиради. Осиё чемпионатида сўнгги тайёргарлик босқичи саналган мазкур йиғин мобайнида миллий жамоамиз 20 декабрь куни Иордания ҳамда 25, 28 декабрь кунлари Ироқ терма жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувларида майдонга чиқади.

Фазлиддин ШУКУРОВ

Зукко мухлисга  
САВОЛ:

«Ватан. Ҳар бир кишининг туғулуб ўскан шаҳар ва мамлакатини шу кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўскан ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан хисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айирилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, машиати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар».

Мазкур фикрлар қайси улуг алломанинг асаридан олинганини айтинг.

Жавобингизни 19 декабрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:  
Хива, Ичанқалъа.

Чиноз туманидаги 37-мактаб ўқувчиси Мафтуна Раббимова, Дўстлик туманидаги 6-мактаб ўқувчиси Висола Исломова тўғри жавоб йўллади.

Тлафаккур қилмондан бир қатра

Замон — бекорчиларнинг энг ёмон душманидир.

Ғафур Фулом

Turkiston

## МУАССИС

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
билан рўйхатдан  
ўтган.

ISSN 2010-6996



9 772010 699000

## БОШ МУҲАРРИР

Каримов  
Фахриддин Турдалиевич

## Тахрир хайъати

Баҳодир Ғаниев, Меҳриддин Шукуров  
(бош муҳаррир ўринбосари —  
«Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул  
котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина  
(бош муҳаррир ўринбосари —  
«Молодёжь Узбекистана»), Елена  
Калинина (масъул котиб — «Молодёжь  
Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи  
муҳаррирБегниязова  
Кумар  
Алламбергеновна

## Саҳифаловчи

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида, А-3 форматда  
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.  
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1256.  
Адади — 6187

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 22.25  
ЎЗА якуни — 21.50

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5